

Фарзандингизга ўзингиз кўмаклашинг



09:00 / 13.02.2023 1910

Ота-онага итоат қилиш, уларга яхшилик қилиш фарз амаллардан бири бўлиб, уларга итоатсизлик қилиш эса Аллоҳга ширк келтириш билан бир қаторда зикр қилинган гуноҳи кабиралардан биридир.

Ота-онага итоатли фарзанднинг бу дунёда ҳар бир иши ўнгидан келади, охирабда эса ютуқларга эришади. Итоатсиз фарзанд эса дунёда хорликка, охирабда жазога маҳкумдир.

Биз бу мавзуда фақат фарзандларга панд-насиҳат қилишга ўрганиб қолганмиз. Аммо фарзандларимиз бизга итоат қиладиган, бизга яхшилик қиладиган инсонлар бўлиб етишиши учун, бизга итоатсиз бўлмаслиги учун уларга биз ёрдам беришимиз керак экан. Афсуски, бу мавзуда отага деярли ҳеч ким панд-насиҳат қилмайди. Ваҳоланки боланинг айрим

итоатсизлигига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлишади. Оқибатда эса фарзандларидан олдин ўзлари маломатга қолишади. Бир улуғ зот тарбиясиз ўғлидан шикоят қилиб келган, аммо ўзи оталик бурчини бажармаган одамга қараб: «Боланг сенга оқ бўлмабди, балки сен ўзинг болангга оқ бўлибсан», деган экан.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: «Фарзандларингизга итоатгўй бўлишда ёрдам беринглар. Ким хоҳласа, фарзандидан ўзига итоатсизликни чиқариб олаверсин».

Табароний ривоят қилган.

Яна бир ҳадисда: «Ўзига итоат қилишда фарзандига ёрдам берган отага Аллоҳ раҳм қилсин. (Бундай оталар) фарзандининг яхшилигини қабул қилади, ёмонлигини кечириб юборади», дейилган.

(Абу Абдурраҳмон Суламий «Одобус-суҳба»да заиф санад билан ривоят қилган).

Оталар фарзанддан яхшилик ва итоат қозониши учун қуйидаги кўрсатмаларга амал қилишлари керак:

1. Гўзал хулқ ва дин соҳибаси бўлган аёлга уйланиш. Чунки у фарзандларга она бўлади, уларни тарбиялайди, уларга таъсир ўтказди. Ота кўпинча уйда эмас, тирикчилик ва нафақа билан банд бўлгани учун фарзандларга ундан кўра она яқинроқ бўлади, улар билан кўпроқ бирга бўлади.

2. Гўзал исм қўйиш. Фарзандларга яхши ният билан анбиёларнинг, саҳобалар, буюк уламолар, фотиҳ ва солиҳ зотларнинг исмини қўйинг. Шояд фарзандлар уларнинг шахсиятидан таъсирланишса.

3. Ёмон улфатлардан узоқлаштириб, солиҳлар билан дўст бўлишга ундаш.

4. Одоб-ахлоқ, Қуръон ва ҳадис ўргатиш, масжидга олиб бориш, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш. Фарзандларни олимлар, зокирларнинг суҳбатига олиб бориб, уламоларга муҳаббатли бўлишни ўргатиш керак.

5. Фарзандлар билан доимий суҳбат қуриш, улар билан бирга ўйнаш, каттароқ бўлганида эса бирга иш қилиш, ибратли қиссаларни ҳикоя қилиб бериш, уларни суйиб, бошини силаш, пешонасидан ўпиш, хуллас – меҳр бериш, уларни жонидан ортиқ кўришини билдириш, кўрсатиш. Фарзандларни ҳалол луқма билан боқиш, ёшига, қобилиятига қараб ўйинчоқлар, ҳадялар бериш, уларнинг моддий таъминотида қўли очиқ бўлиш, ёшига муносиб муомала қилиш, меъёрида эркалаш ва тергаш,

одатда болаларда учраб турадиган, оталар хушламайдиган хатокамчиликларни кечириш лозим.

6. Энг муҳими, фарзандларнинг ҳаққига уларнинг олдида ҳам, ортидан ҳам кўп дуо қилиш. Айниқса, саждаларда ғойибона дуо қилиш, солиҳ зотлардан уларнинг ҳаққига дуо олиш, сўнг ана шу дуоларнинг ижобат бўлишини ҳам сўраш лозим.

Аллоҳ таоло фарзандларимизни кўзимизнинг қувончи қилсин!

***Доктор Муҳаммад Содиқ Дарвиш
Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси***